

## «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси таъзия билдиради



12:14 / 25.07.2018 3972

Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Серикбай хожи Ораз ҳазратнинг меҳрибон оналари Турдигул Икромқизининг вафотлари муносабати билан «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси марҳуманинг оила аъзолари, қариндош ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ таоло марҳуманинг барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин. Барча қариндош-уруғларига чиройли сабр ато қилиб, ажру мукофотларини кўпайтириб берсин.

**Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун!**